

**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БУГУНГИ ВА АВВАЛГИ ХОЛАТИ: ТАҲЛИЛИЙ  
НАТИЖАЛАР**

**Айибжанов Сардорбек Сардорбек ўғли**  
ИИБ Академияси 3-босқич курсанти

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг жазони ижро этиш тизими ҳолати тизимда амалга оширилаётган ислохотлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда мавжуд нормативҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибадан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар берилади. Бундан ташқари, муаллиф томонидан маҳкумларни хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхоналарига меҳнатга жалб қилишда минимал стандарларни белгилаш, маҳкумларнинг иш стажы, маҳкумларнинг бир муассасадан иккинчисига кўчириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.*

**Калит сўзлар:** *жазони ижро этиш тизими, ахлоқан тузатиш, тарбия, жазо муқаррарлиги, омбудсман, мурожаат, маҳкумлар ҳуқуқлари, маҳкумлар меҳнати, хусусий қамоқхона.*

**IMPROVING THE LEGAL BASIS OF PROVIDING THE RIGHTS OF PRISONERS IN  
THE CRIMINAL EXECUTIVE LEGISLATION**

**Abstract:** *This article describes the state of the penitentiary system in Uzbekistan in connection with the ongoing reforms in the system. In addition, suggestions and recommendations will be made based on foreign experience in improving the existing regulations to ensure the rights and freedoms of persons detained in penitentiaries. In addition, the author made recommendations on setting minimum standards for the employment of convicts in production enterprises owned by private businesses, the length of service of convicts, the elimination of problems related to the transfer of convicts from one institution to another.*

**Keywords:** *penitentiary system, moral correction, education, inevitability of punishment, ombudsman, appeal, rights of convicts, labor of convicts, private prison.*

**КИРИШ**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, айниқса, жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижросини таъминлашда маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилишда қонунийлик, адолат, инсонпарварлик ва демократизм тамойилларини қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори<sup>1</sup> билан тасдиқланган 2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишнинг пировард натижаси маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг жиноий фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишига чек қўйишнинг самарали тизимини яратишдан иборат эканлиги белгиланди. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, буни жазони ижро этиш фаолияти билан боғлиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайри инсоний ёки кадр-қимматни камситувчи ҳаракатларнинг олдини олиш борасида қилинган чора-тадбирларда яққол кўриш мумкин. Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш мақсадида вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинди. Шунингдек, маҳкум ўз шахсий хавфсизлигини таъминлашни сўраб муассаса ёки органнинг ҳар қандай Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси. ходимига ариза (хабар) билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Ёпиқ турдаги колонияларда сақланаётган маҳкумларнинг телефон сўзлашуви йўқлов ва учрашувлар олиш сони икки бараварга кўпайтирилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун жазо ўтаётган маҳкумларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи берилди. Эътиборлиси, жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларни рағбатлантириш комиссияси таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳудудий вакиллари киритилди. Бунда алоҳида эътибор жиноят содир этган шахсларни меҳнатга тўлиқ жалб этиш орқали уларни ахлоқан тузалиш ва келгусида жамиятимизнинг муносиб аъзоси сифатида шакллантириш масалаларига қаратилмоқда.

### **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Миллий қонунчилигимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга оид ишлар кўлами ҳам кенг. Хусусан, 2019 йил ижтимоий хавфи ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этиб, жазо муддатини ўтаётган шахсларга илк маротаба сайлаш ҳуқуқи берилди. Умумий, қаттиқ, махсус, турма тартибли ва тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларнинг яқин қариндошлари билан

телефон сўзлашувлари, учрашувлари ҳамда жўнатма қабул қилишлари сони қарийб икки баробар кўпайтирилди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг розилиги билан уларга психологик ёрдам кўрсатилиши ҳамда руҳий ҳолати бузилган вақтда содир этилган тартиббузарлиги учун интизомий жазо чоралари қўлланилмаслиги қафолатланди. Манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётганларнинг пенсия олиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланди.

Жиноят-ижроия кодексига жазо муддатини ўтаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгиловчи янги норма киритилди. Шунингдек, маҳкумларнинг жазо муддатини ўташ давомида шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилди.

Маҳкумларнинг илтимосига кўра узоқ муддатли учрашув қисқа муддатли учрашувга ёки масофали видео-учрашувга ёхуд телефон орқали сўзлашувга, қисқа муддатли учрашув эса масофали видео-учрашувга ёки телефон орқали сўзлашувга алмаштирилиши йўлга қўйилди ҳамда жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг олис масофадан келувчи яқин қариндошлари оворагарчилигига барҳам бериш мақсадида масофали учрашув хоналари тайёрланди. Кам таъминланган оила вакили бўлган жазо муддатини ўтаётган шахслар юқори ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилиши таъминланди.

Охириги беш йилда (2017 - 2021й.) маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари янада такомиллаштиришга қаратилган 3 та қонун, Президентимизнинг 1 та фармони, 6 та қарори, Ҳукуматнинг 10 та қарори ва фармойишлари, 14 тадан ортиқ бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.08.2017 йилдаги ПҚ-3200-сон қарори билан Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳаси фаолияти тубдан такомиллаштирилиб, маҳкумларнинг ҳуқуқлар доираси кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2017 йилдаги ПФ-5268-сон Фармонига асосан Тергов ҳибсхоналаридаги терговчилар хоналарига жами 123 дона замон талабларига жавоб берадиган овоз ёзишга мўлжалланган видеокузатув мосламалари ўрнатилиб, ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2018 йилдаги ПФ-5441-сон Фармони талабларига кўра Тергов ҳибсхоналари ва ёпиқ турдаги колонияларда 69 та адвокатлар билан учрашув хоналари қайта жиҳозланиб, адвокатлар учун видеокузатув воситаларисиз ҳамда эшитиш мосламаларисиз алоҳида хоналар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят - ижроия қонунчилигига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари” (Нельсон Мандела қоидалари) жорий қилинди. Жумладан, [1] маҳкумларга психологик ёрдам олиш ҳуқуқи берилди; [2] тиббий ёрдамга муҳтож маҳкумларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий

муассасаларига жойлаштиришга рухсат берилди; ☒ оғир касалликка чалинган маҳкумларга телефон орқали кўшимча сўзлашишга, шифокорнинг рухсати билан учрашишга рухсат берилди; ☒ руҳий ҳолати бузилган вақтда маҳкум томонидан содир этилган тартиббузарлик учун интизомий жазо чоралари қўллаш бекор қилинди. ☒ Маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши таъминланди ҳамда ёпиқ турдаги колониялардаги маҳкумларнинг телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиш сони қарийб икки баробарга кўпайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель кундаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарорига асосан жазони ижро этиш фаолияти қайтадан ташкил этилди. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тўғрисидаги низом тасдиқланиб, мазкур фаолият йўналишлари тартибга солинди ва бевосита Ички ишлар вазирига бўйсиндирилиб, вазир зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш юклатилди.

Барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Департамент бўйсунувига ўтказилди. Тергов ҳибсхоналари ва Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Департамент тизимида ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари зиммасига юклатилди. Улар томонидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди: - маҳкумларнинг жазоларни ўташ шароитларини яхшилаш, ҳалқаро стандартларга келтириш мақсадида жазоларини ижро этиш муассасаларининг мавжуд маҳкумларининг ётоқхоналари реконструкция қилиниб хона (кубрик) типига келтириш, 6 та янги ётоқхоналар куриш; - жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш, маҳкумларни «Электрон назорати»ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий қилиш; - муассаса ходимларини хизмат олиб боришида видеорегистраторлар (бодикамера) билан таъминлаш; - муассасаларга таъқиқланган нарсаларни олиб киришни олдини олиш мақсадида муассасага кириш назорат пунктларида бодисканер мосламаларини ўрнатиш; - муассасаларида маҳкумларни кузатиш ва мустақил назорат қилиш учун интеллектуал камералар (SMART) ўрнатиш белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ижроси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, жазо

муддатини ўтаётган маҳкумларни сақлаш шароитларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда қийноқ ва жисмоний тазйиқ ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тизимдаги 54 та жазони ижро этиш муассасалари 3 280 дона замонавий видеокузатув мосламалари билан жиҳозланган. Шундан, 2 203 таси жазони ижро этиш муассасаси яшаш саҳнига, 432 таси ишлаб чиқариш саҳнига, 645 таси ташқи маъмурий ҳудудга ўрнатилган. Шунингдек, Маҳкумлар билан онлайн суд жараёнларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг видеоконференц-алоқа дастурий таъминоти “Тas-ix” локал тармоғи орқали ишлашини инобатга олган ҳолда, жазони ижро этиш колонияларида “Ўзбектелеком” АКнинг ҳудудий боғламлари билан ҳамкорликда 10 мб/сек тезликдаги интернет тармоғи 10 Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД маълумотлари (2022 йил февраль ойи). ташкиллаштирилиб, Олий суднинг “TE-Desktop” видеоконференцалоқа тизимига уланиши таъминланди. Жазони ижро этиш колониялари ва тергов ҳибсхоналаридаги шахсларни суд мажлиси ва суд раҳбарияти қабулларида видеоконференцалоқа режимида иштироки учун 54 та махсус хоналар ташкил этилиб, тегишли ускуналар билан жиҳозланди.

#### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот негизида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи турибди. Жиноят-ижроия қонунчилигининг вазифаси бевосита жазони самарали ижро этилишини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида белгилаб қўйилган. Шу билан бирга жазони ижро этишга қаратилган фаолият ижтимоий адолатни тиклаши лозим. Шунингдек, жазонинг ижро этилиши жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш шартлигини ифодалайди. “Жиноят учун жазо муқаррарлиги-жамиятнинг ўзини сақлаб қолиш шартларидан бири”, “Агар қамоқ маҳкумни жамиятда яшашга ўргата олмаса, у қамоқда яшашга ўрганиб қолади”. Мазкур иқтибослар замирида улкан маъно ётади. Агар жиноят учун жазо белгиланмаса, ҳақиқатдан ҳам жамиятда давлат ўз ўрнини йўқотади, агар жазони ижро этиш муассасалари маҳкумни тарбиялай олмаса, у келгусида яна жиноят содир этади. Шу сабабли, жазони ижро этиш муассасалари маҳкумларни тарбиялашда, тўғри ҳаётга қайтаришда, маҳкумлардан муассасадаги мавжуд тартиб қоидаларга риоя қилишга, ҳурмат қилишга, ҳар бир маҳкумни қонунга итоаткорлик муносабатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда 54 та жазони ижро этиш муассасалари мавжуд бўлиб, шундан 18 таси ёпиқ турдаги, 25 таси манзил колония ва 11 таси тергов ҳибсхоналаридир.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йил 1 август ҳолатига кўра, АҚШда ҳар юз минг одамдан 639 нафари, Россияда 340 нафари, Туркияда 335 нафари, Беларусда 343 нафари, Ўзбекистонда 68 нафари жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтамоқда. Айрим хорижий давлатлар жазони ижро этиш тизимидан фарқли равишда, мамлакатимизнинг амалдаги жиноят-ижроия қонунчилиқда маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаси сифатида маҳкумларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш меҳнат орқали тарбиялаш уларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат. Келгусида, мамлакатимиз жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, жазони ижро этиш муассасаларида ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини тadbиқ этиш ва жазони ижро этиш тизимини босқичмабосқич ислоҳ этиб бориш ва маҳкумларнинг аҳволини энгиллаштириш, шу орқали уларнинг ахлоқан тузалишига эришиш учун жиноят-ижроия қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқларни аниқлаб, улар бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илғор хорижий тажриба ўрганиб, уларни қонунчилигимизга тadbиқ этиш лозим. Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 57-моддасида Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада ўташи, маҳкумни бир колониядан айна шу турдаги бошқа колонияга жазони ўташни давом эттириш учун ўтказишга унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг розилигини олган ҳолда, шунингдек маҳкумнинг мазкур муассасада қолишига тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолларда йўл қўйилиши, маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда уни колониядан ёки турмадан ихтисослашган даволаш муассасига ўтказишга тиббий хулоса асосида йўл қўйилиши ҳамда Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низом» да мазкур норма талаблари ўртасида қарама-қаршилиқлар мавжуд. Хусусан, буйруқнинг 9-банд «б» кичик бандининг еттинчи хатбошисида “маҳкум ёки қариндошларининг аризасига асосан” қоидаси киритилган<sup>16</sup>. Жиноят-ижроия кодексининг 57-моддаси 2-3 қисмларидаги талаблардан ташқари ҳолатларда маҳкум жазони битта муассасада ўташи белгиланганлиги инobatга олсак маҳкумни унинг ёки қариндошининг аризасига асосан бошқа муассасага ўтказиш мантиқан нотўғри деб ҳисоблаймиз. Жазони ижро этиш департаментига 2021 йил давомида 16632 та мурожаат келиб тушган бўлса, ушбу мурожаатларнинг 8185 таси ёки 49 фоизи маҳкумларни бошқа муассасага ўтказиш мазмунида келиб тушган.<sup>17</sup> Ушбу

турдаги мурожаатлар ўрганиб чиқилганда маҳкум ва унинг қариндошлари яшаш манзилига яқин жойдаги жазони ижро этиш муассасасига ўтказишни сўраган. Маҳкумларни уларнинг ёки қариндошларининг мурожаатларига кўра бошқа муассасага ўтказиш тартиби қонуний жиҳатдан белгилаб қўйилмаса ёки мазкур фаолиятни тартибга солиш инсон омилисиз амалга оширилиши белгиланмаса турли коррупцион омилларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкумларнинг қайси жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташи суднинг ҳукмидан келиб чиқиб (манзил, умумий, қаттиқ, махсус) компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, инсон омилни аралаштирмасдан белгиланиши ҳақидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирда Жазони ижро этиш департаменти тизимида 25 та манзил колониялари мавжуд бўлиб, колонияларнинг 17 таси қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, уларда ишлаб чиқариш фаолияти ривожланмаганлиги сабабли, 65-70 фоиз маҳкумлар бошқа объектларда шартнома асосида меҳнатга жалб этилмоқда. Меҳнатга лаёқатли 7 361 нафар маҳкумнинг 1 444 нафари колонияларда, 4 835 нафари узоқ масофада (90-150 км) жойлашган шартнома объектларида ишлайди, 1 082 нафари иш ўрни камлиги сабабли иш билан таъминланмаган. 18 Маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш борасидаги хорижий тажриба ўрганилганда жаҳоннинг кўпгина, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, 16 Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103-сонли буйруғи.

Бразилия, Эстония, Япония, Швеция каби давлатларда хусусий қамоқхоналар фаолияти йўлга қўйилган.<sup>19</sup> wikipedia.org интернет сайти маълумотларида хусусий қамоқхоналарга қуйидагича таърифланган. “Хусусий қамоқхоналар-бу тижорат ташкилотларига қарашли, даромад олишга қаратилган жазони ўташ муассасалари. Бундай ташкилотлар жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш учун давлат билан шартнома тузадилар. Бундай тизим тарафдорларининг таъкидлашича, бу давлатга пулни тежаш имконини беради. Хусусий қамоқхоналар ҳукумат томонидан назорат қилинади, бундай қамоқхоналар ўрта асрлардаги феодалларга тегишли қамоқхоналардан фарқ қилиши лозим, чунки, уларда сақланаётган шахсларга феодаллар хохлаганча муносабатда бўлган”. Россиялик ҳуқуқшунос Д.Лапенкова ўзининг “АҚШда хусусий қамоқхоналар” номли мақоласида АҚШдаги хусусий жазони ижро этиш муассасалари фаолияти ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтган. Жумладан, хусусий қамоқхоналар АҚШда 1980 йилларда Рейган президентлиги даврида пайдо бўлганлиги, бу амалиёт Президентлар Жорж Буш ва Б.Клинтонлар даврида давом этганлигини, 2008 йилда АҚШдаги хусусий қамоқхоналар сони 100 дан ошиб кетганлигини келтириб ўтилган. Россиялик олим Э.Мандаляян ўзининг “Хусусий қамоқхона: бизнесми ёки қулликми” мақоласида “Буюк Британиядаги биринчи хусусий қамоқхона 992 йилда “G4S” компанияси қамоқхонани бошқариш бўйича тендерда ютиб чиққанидан сўнг очилганлиги,

айни пайтда Англия ва Уэсла 14 та хусусий қамоқхоналар мавжудлиги, 2012 йилда Буюк Британия ҳукумати қамоқхоналарнинг барчасини хусусий қилиш эълон қилганлиги” ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтган. Фикримизча, жазони ижро этиш муассасаларини хусусийлаштириш, бироқ маҳкумларни назорат қилишни давлат функцияси сифатида олиб қолиш орқали, давлат харажатларини қисқартиришга эришиш мумкин.

Мамлакатимизнинг амалдаги Жиноят-ижроия кодексида Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилиши белгиланган бўлсада<sup>23</sup>, меҳнатга жалб этиш шартлари, сақлаш жойларига қўйиладиган талаблар ва шу каби маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган нормалар аниқ норма сифатида белгиланмаган. Ўйлашимизча, бу маҳкумларни хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган шартнома объектларига меҳнатга жалб этиш, уларни сақлаш, уларга шарт-шароитлар яратишда хато-камчиликларга йўл қўйилишига, ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, келгусида халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда жиноят-ижроия қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимча киритиш орқали ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш орқали маҳкумларни хусусий тадбиркорлик субъектларига ёки бошқа давлат корхоналарига ишга жалб қилиш ҳамда уларни сақлашнинг минимал талабларини белгилашни лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, пробация назорати остидаги шахсларнинг бандлигини тўла таъминлаш мақсадида, пробация бўлинмалари ҳузурида Хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли корхоналар (Меҳнат уйлари) ташкил этиб, назорат остидагиларни меҳнатга жалб этишда мазкур корхоналардан фойдаланиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Фикримизча жиноят-ижроия ва меҳнат қонунчилигида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг меҳнати билан боғлиқ айрим муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинмаганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, маҳкумнинг жазони ижро этиш давомида ишлаган иш стажи унинг умумий иш стажига қўшилмаслиги, турли эътирозларга сабаб бўлиши мумкин. Келгусида, маҳкумларнинг меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида маҳкумларнинг иш сатажи ҳисобланиши ва уларга жазони ўташ даврида меҳнат дафтарчаси юритилиши ҳақидаги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

### **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жазони ижро этиш муассасалари маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишини таъминлаш, ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши



устидан назоратни, коррупция ва мансаб ваколатини суистеъмом қилиш ҳолатларини истисно этадиган даражада кучайтиришлари, маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятдаги хулқ-атвор қоидаларига риоя этиш маданиятини, билим ва маънавий-ахлоқий савиясини оширишга интилишини шакллантиришга қаратилган қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш жараёнини такомиллаштириб боришлари лозим. Зеро, қаерда, адолат, қонун устуворлиги, тартиб интизом бўлса шу жойда юксалиш бўлади.

#### **REFERENCES:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. Манба: <http://old.lex.uz/docs/1636>.
2. Ўзбекистон Республикасида Пенитенциар тизимининг такомиллаштирилиши: Қонунчилик ва амалиёт. 2021, Т. Б-16.
3. Д.Лапенкова. “Частные тюрьмы США”. 2013. <https://ushistory.ru/populjarnajaliteratura/1110-chastnye-tjurny-ssha>.
4. Э.Мандальян. “Частные тюрьмы: бизнес или рабство?”. <http://russianbazaar.com/ru/content/15969.htm>.
5. Частные тюрьмы США - История США (ushistory.ru).
6. Х.Содиқов. Ҳаёт қонунлари, ...Т, 2017..70-72 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 27 июлдаги 103- сонли буйруғи билан тасдиқланган «Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш ҳамда уларни бир муассасадан бошқасига кўчириш тартиби тўғрисидаги низом». Манба: <http://old.lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси. <http://old.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД ҳисоботлари (2022 йил февраль ойи).
11. Komil o'g'li, J. N. (2020). The importance of the participation of a lawyer in crime prevention activities. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(3), 11-15.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги ЖИЭД Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 4 | April, 2022 | SJIF: 5,965 | UIF: 7,6 | ISRA: JIF 1.947 | Google Scholar | [www.carjis.org](http://www.carjis.org) DOI: 10.24412/2181-2454-2022-4-31-42 E-mail: [carjisor@gmail.com](mailto:carjisor@gmail.com) 42 маълумотлари (2022 йил февраль ойи).
14. Джалилов, Н. (2021). Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Общество и инновации, 2(12/S), 348-352.